BIZNES DAILY

Экономическая газета

Биржа

Иқтисодий газетаси

#45(2928)
09.06.2022

www.biznes-daily.uz

Хизматлар соҳасидаги натижалар таҳлил қилинди

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 июнь куни хизматлар кўрсатишни ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хизматлар – кам харажат билан кўп аҳолининг бандлигини таъминласа бўладиган соҳа. Шу боис ҳудудларда маиший хизмат уйлари ташкил этилмоқда, ишсизлар касб-ҳунарга ўргатилмоқда, маблағ ва шароит билан таъминланмоқда.

Жорий йил 27 январда давлат раҳбарининг "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, бу соҳага кўплаб енгилликлар берилди ва имтиёзли ресурслар ажратилди.

Булар орқали жорий йилда 120 мингдан ортиқ янги лойиҳаларни амалга ошириб, хизматлар ҳажмини 435 триллион сўмга етказиш режа қилинган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда бу борада ҳудудларда бажарилган ишлар таҳлил қилинди.

Ҳокимлар халқни ўйлаб, ҳалол ишлаб, тадбиркорларга ер, бино ва инфратузилма масаласида ёрдам берган жойларда натижа бўлган. Масалан, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларида минглаб иш ўринлари очилган.

Январь-май ойларида хизматлар соҳасида 232 минг иш ўрни яратилган. Лекин Жиззах, Навоий, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бу борадаги натижалар паст.

Сўнгги икки ойда хизмат жойлари ташкил этиш учун 12 мингта ер майдони аукционга қўйилган. Лекин 27 та туманда савдога чиқарилган майдонлар сони 10 тага ҳам етмаган.

Шу сабабли бундай сусткашликка йўл қўйган шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг қурилиш бўйича ўринбосарларига интизомий жазо чоралари белгиланди.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 9 ой ва йил якунигача бўлган режалар муҳокама қилинар экан, Бухоро тажрибаси бу борада намуна қилиб кўрсатилди.

Мисол учун, Бухоро шаҳридаги тадбиркорлар меҳмонхона, ошхона, савдо дўконларининг том қисмида ресторан ва кафетерийлар ташкил этган. Имтиёзли кредитлар самарадорлиги таҳлил қилинганда, бир иш ўрни очиш учун ўртача 8-9 миллион сўм кетган, холос.

Мутасаддиларга ушбу тажрибани бошқа шаҳар ва туман марказларида ҳам жорий қилиш, бунинг учун хавфсизлик талаблари ҳамда ижарага бериш шартларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Умуман, юртимизда аҳолига қулай ва серқатнов йўл бўйларида давлат идораларининг балансидаги 4 мингга яқин маъмурий бино жойлашган. Ушбу бино ва иншоотлардан ҳам сервис соҳасида самарали фойдаланиш мумкинлиги таъкидланди.

Хизмат шохобчалари ташкил этиш учун, аввало, қулай жой керак. Шу боис йиғилишда яна 25 мингта ер майдонлари сервис ва савдо объектлари учун аукционга чиқарилиши белгиланди.

Бу борада аҳолига янада қулайлик яратиш учун энди ерларни аукционга қўйиш жараёни ижара бўйича 48 кундан 15 кунга, мулк ҳуқуқида 74 кундан 20 кунга қисқартирилади. Ер майдонларини баҳолаш экспертизадан ўтказилмайди, ҳақиқий баҳоси аукционда аниқланади.

Шу билан бирга, 2023 йил 1 январдан бошлаб, ерларни аукционга чиқаришда кадастр идораларида бор маълумотларни бошқа идоралар билан келишиш тартиби бекор қилинади. Барча вазирликларнинг кадастр маълумотлари Миллий геоахборот тизимига киритилади.

Жорий йил 1 сентябргача 205 та туман ва шаҳарда 253 та махсус савдо ҳамда хизмат кўрсатиш кўчаларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун ўтган йили республика бюджетидан 1 триллион 400 миллиард сўм, жорий йилда эса 900 миллиард сўм ажратилган.

Масалан, Жиззах шаҳрининг "Жиззахлик" маҳалласидаги ёпиқ кўча Шароф Рашидов марказий кўчасига боғланиб, савдо ва сервис шохобчаларига туну кун ишлашга рухсат берилган. Натижада бизнес ривожланиб, 200 та иш ўрни пайдо бўлган.

Вилоят ҳокимларига шаҳар ва туманларда шундай кўчалар ташкил этиб, сервисни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ёки яна бир мисол: Бойсундаги машҳур Омонхона сиҳатгоҳи атрофида 3 та меҳмонхона бор. Лекин жой етишмаслиги сабабли меҳмонларни қишлоқдаги хонадонлар қабул қилади. Агар бу сиҳатгоҳга олиб борувчи йўл яхшиланса, меҳмонлар сони янада кўпайиши, йўл бўйида 200 дан зиёд савдо ва хизмат объектлари ташкил этилиши мумкин. Шу боис, мутасаддиларга Омонхона қишлоғини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундай ёндашув асосида, хорижий консалтинг компаниялари ва экспертларни жалб қилиб, 28 та шаҳар ва хизмат салоҳияти юқори 10 та туманнинг "мастер режаси"ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президент кўчма ва енгил конструкцияли савдо фаолияти учун талабларни соддалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳалла, ободонлаштириш ва йўл ташкилотларига ўз ҳудудида мавсумий кафе ва савдо нуқталарини ташкил этишга рухсат берилади. Бу орқали қарийб 50 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Йиғилишда транспорт соҳасига хусусий инвесторларни жалб қилиш, хизматлар турини кўпайтириш, Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини трансформация қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари яқинда маҳаллаларда бўлиб ўтган сайловларга ҳам тўхталиб, раисларни сайлангани билан табриклади.

– Элга бош бўлиш бу – катта масъулият. Маҳалла раислари мамлакатимиздаги ислоҳотларни ҳар бир хонадонга етказишда, одамларнинг талабини ҳокимлар олдига қўйиб, халқимизни рози қилишда етакчи бўлиши зарур. Бугун хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича қўйилган аниқ масалалар ҳам энг аввало маҳалладан бошланиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳоким ва ҳоким ёрдамчилари сўзга чиқиб, режа ва таклифларини баён этди.

UZEX ҳафталик дайжести (30 май – 5 июнь)

Ўтган ҳафта давомида, яъни, 30 май – 5 июнь кунлари "Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси" АЖнинг барча савдо платформаларида 2 939,6 млрд. сўмлик товарлар сотилган бўлиб, бу аввалги ҳафтага нисбатан 3,2 фоизга ортиқдир. Бунда сотувларнинг 76,0 фоизи биржа савдолари, 0,8 фоизи кўргазма-ярмарка савдолари, 22,9 фоизи электрон давлат харидлари ва 0,3 фоизи авторақамларнинг онлайн-аукционига тўғри келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 631,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Давлат харидлари тизимларида ўтказилган электрон савдолар натижасида бюджет ва корпоратив буюртмачиларининг қарийб 96,0 млрд. сўмлик маблағлари тежалди.

Ушбу давр мобайнида онлайн аукцион орқали 3 317 та авторақамлар сотилди, сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси 9,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 4,9 фоиз биринчи тоифадаги авторақамларга, 9,1 фоиз иккинчи, 9,5 фоиз учинчи, 10,0 фоиз тўртинчи, 17,3 фоиз бешинчи ва 49,1 фоиз олтинчи тоифа авторақамларга тегишлидир.

Биржа савдолари

Кўриб чиқилаётган даврда очиқ биржа савдолари орқали жами 2 234,5 млрд. сўмлик товар ресурслари сотилди. Сотувчи корхоналар маҳсулотларни тасдиқланган жадвалларга риоя қилган ҳолда биржа савдоларига қўйишди, шу жумладан:

Пахта ёғи

Ўтган ҳафтада биржа савдоларида 2 029,0 тонна пахта ёғи сотилди. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 140 харидор иштирок этди. Ўртача кунлик сотув ҳажмлари 406,0 тоннани ташкил қилди. Барча навли пахта ёғининг кунлик ўртача нархлари маҳсулотнинг бир тоннаси учун 18 583,9 минг сўмдан 18 294,0 минг сўмгача, яъни, 1,6 фоизга пасайганини таъкидлаш лозим.

Суюлтирилган газ

Биржанинг суюлтирилган газ бозорида нархлар пасайиши қайд этилди. Ҳафта давомида биржа савдоларига 31 992,0 тонна суюлтирилган газ қўйилди ва унинг барчаси сотилди. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 210 харидор иштирок этди. Суюлтирилган газ бўйича шаклланган кунлик ўртача нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 5 330,4 минг сўмдан 4 034,0 минг сўмгача, яъни, 24,3 фоизга пасайган.

Полиэтилен

Ҳафта мобайнида биржа савдоларига 3 402,0 тонна полиэтилен қўйилди ва унинг барча ҳажми сотилди. Полиэтиленнинг ўртача кунлик сотув ҳажмлари 680,0 минг тоннани ташкил қилди. Полиэтиленнинг барча маркалари бўйича шаклланган кунлик ўртача нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 18 477,6 минг сўмдан 17 707,0 минг сўмгача, яъни, 4,2 фоизга пасайди. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 76 харидор иштирок этди.

"ЎзРТХБ" АЖ PR бўлими.

Курс валют на 09.06.2022

USD	11039.96
EUR	11817.17
RUB	183.31
CNY	1650.22

#45(2928)
09.06.2022
BIZNES DAILY Биржа

Биржа савдоларида қанча ун сотилди?

Президентимизнинг жорий йил 28 майдаги "Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу йилнинг 1 июнидан ун маҳсулотлари биржа савдоларида сотила бошланди, 1 июлдан бошлаб эса ғалла маҳсулотлари ҳам очиқ биржа савдоларига қўйилиши кўзда тутилган.

Ғаллачиликда бозор механизмлари жорий этилишидан мақсад буғдой ва ун нархлари барқарорлигини сақлашдан иборат. Ўз навбатида, бунга эришишнинг энг самарали усули талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш ҳисобланади. Шаффоф биржа савдолари эса шундай имкониятларни тақдим этади. Мазкур вазифаларни ижро этиш учун "Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси" акциядорлик жамиятида зарур шарт-шароитлар яратилган.

Жамият томонидан "Ун ва ғалла маҳсулотларини сотиш бўйича очиқ биржа савдоларини ўтказиш амалиёти" мавзуига бағишланган пресс-тур давомида шулар ҳақида маълумот берилди, жараён билан бевосита таништирилди. Мутасаддиларнинг қайд этишича, буғдой маҳсулотларини биржа орқали сотишда фермерлар белгиланган биржа комиссион тўловлари ва гаров маблағларини киритишдан озод этилади. Буғдойнинг туманларда самарали сотилишини йўлга қўйиш мақсадида 20 мингдан зиёд фермер ўқитилган ҳамда биржада электрон рақамли имзо орқали соддалаштирилган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, брокерлик идораларига бириктирилган. Шунингдек, брокерлар сонини кўпайтириш учун Савдо-саноат палатасининг қарийб 200 нафар ходими ва фермерларнинг 500 нафардан зиёд бухгалтери ўқитилиб, биржада брокер сифатида рўйхатдан ўтказилган.

Маълумки, коронавирус пандемияси шароитида 2020 йил 16 апрелдан ун маҳсулотини биржа савдоларисиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида етказиб бериш бўйича вақтинчалик тартиб ўрнатилган эди. Бироқ ушбу тизим шаффоф бўлмагани сабабли жорий йилнинг май ойида арзонлаштирилган уннинг бир қопи 140-145 минг сўм атрофида сотилиши тавсия этилганига қарамасдан, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўртача 270-290 минг сўм атрофида сотилган. Шу муносабат билан жорий йил 1 июндан бошлаб биринчи навли ун маҳсулоти "Ўздонмаҳсулот" АЖ корхоналари томонидан очиқ биржа савдоларига қўйилиши ва сотилиши бошланди. Бунда аввалги тизимдан фарқли равишда биржа савдолари шаффофлик ва бозор тамойиллари асосида ўтказилмоқда.

Савдолар шаффофлигини таъминлаш борасида ун маҳсулотларини кунма-кун биржа савдоларига қўйиш ҳажмлари ва уларнинг котировкалари, биржа расмий сайти, ижтимоий тармоқ ва оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

Таъкидланганидек, бундан аввал мамлакатимизда истеъмол учун чиқарилган уннинг ойлик ҳажми 140 минг тоннани ташкил этган бўлса, июнь ойида 170 минг тонна ун маҳсулотлари савдога қўйилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, 2020 йилда ўтказилган биржа савдоларига ўртача 6,9 минг тонна маҳсулот қўйилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 10 минг тоннани ташкил қилмоқда. Мамлакатимизда ун захиралари етарли бўлгани сабабли, биржа савдоларига кўпроқ ун чиқарилмоқда ва таклиф даражаси ошмоқда.

Масалан, 2 июнда, яъни, ун маҳсулоти бўйича очиқ биржа савдоларининг иккинчи куни ўтказилган савдо натижалари биржанинг ун бозори нарх бўйича кичик пасайишни намоён этган. Хусусан, биринчи навли уннинг биржадаги нархи аввалги кунга нисбатан маҳсулотнинг бир тоннаси учун 4 497,8 минг сўмдан 4 475,1 минг сўмгача пасайган. Сотувчи корхоналар томонидан биржа савдоларига 10 минг тонна биринчи навли ун қўйилган ва улардан 9,4 минг тоннаси ёки 94 фоизи сотилган, харид қилинмаган қолдиқ ун ҳажми 611 тоннани ташкил этган. Шу билан бирга, савдоларда иштирок этган харидорларнинг сони 2 822 тадан 3 441 тагача кўпайган.

Бозорни ун билан тезкор тўлдириш мақсадида, 4 июнь шанба кунида ҳам қўшимча биржа савдолари бўлиб ўтган. Ўтган даврда "Ўздонмаҳсулот" АЖ таркибидаги 44 та корхона томонидан биржа савдоларига 45 минг тонна биринчи навли ун қўйилган ва шундан 43,8 минг тоннаси ёки 97 фоизи сотилган. Биржа савдоларида сотилмаган қолдиқ ун ҳажми 1,2 минг тоннани ташкил қилган. Савдо натижаларига кўра, биринчи навли уннинг ўртача нархи маҳсулотнинг бир тоннаси учун 4 549,3 минг сўмга етган. Бунда эркин ун бозори янги шароитларда ўзининг барқарор мувозанатини топмоқда.

Савдонинг очиқ биржада ўтказилиши, ун ҳажмлари ва бозордаги таклиф даражасининг ошиши натижасида, айни пайтда уннинг бир қопи биржадан ташқари бозорларда ўртача 240-260 минг сўм атрофида сотилмоқда. Ҳудудлар кесимида харид қилиш қамрови биржада харидорлар сони кўпайиши ҳисобига кенгайиб бормоқда. Хусусан, ўтказилган биржа савдоларида иштирок этган харидорларнинг сони 2 822 нафардан 4 518 нафаргача ортган.

Пресс-тур давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари биржанинг марказий савдо залида электрон биржа савдоларини бевосита кузатиш имкониятига эга бўлдилар. Маълумотларни қайта ишлаш, call-марказлари ва мижозларга хизмат кўрсатувчи фронт-офис, брокерлар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Биржа раҳбарияти ва мутахассислари томонидан журналистларни қизиқтирган кўплаб долзарб саволларга батафсил жавоблар, қўшимча маълумотлар ҳам берилди.

Ойдин ЛАТИПОВА.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Сергели тумани "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси"да 2009 йил 23 декабрь куни 003819-09-реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қурувчилар мавзеси, Нилуфар кўчаси, 28-уй манзилида жойлашган (СТИР 301 413 710) **"GofraMaster" масъулияти чекланган жамияти**нинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг 5-курс талабаси геология қазув кон механика сиртқи факультети 15-18 ФКГК S-011 гуруҳ талабаси **Рахматов Шерзод Кенгаевич** номига берилган рейтинг (баҳолаш) дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Утерянный гос. ордер №05-02/8369 от 7 февраля 1993 года на право собственности на квартиру, выданный на имя Садикова Аброра Садиковича, **считать недействительным.**

Гулистон туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 6 июндаги 4-1201-2204/202-рақамли иш ажримига кўра Ш.М. Абдуллаев **"Jahongir Kamola" МЧЖ** тугатиш бошқарувчиси вазифасидан озод этилган. "Jahongir Kamola" МЧЖ тугатиш бошқарувчиси этиб Шараев Улуғбек Алишерович тайинланган. **Тел.:** 99-402-77-62.

"Ўзбекистон республика валюта биржаси" акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

Жамиятнинг номи:	"Ўзбекистон республика валюта биржаси" акциядорлик жамияти (ЎзРВБ).
Жойлашган жойи (почта манзили):	Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4 уй.
Электрон почта манзили:	info@uzrvb.uz
Расмий веб-сайт:	www.uzrvb.uz

ЎзРВБ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **2022 йил 30 июнь куни соат 15.00 да,** Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4-уйда видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: **2022 йил 8 июнь.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: **2022 йил 24 июнь.**

Акциядорлар **2022 йил 30 июнь куни соат 14.00 дан 14.40 гача** рўйхатга олинади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби:

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. "Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖ (ЎзРВБ) Кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботини эшитиш.
4. "ЎзРВБ" АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегарасини белгилаш.
5. ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
6. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг хулосасини (2021 йил учун) эшитиш.
7. ЎзРВБнинг 2021 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
8. ЎзРВБнинг 2021 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.
9. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.
10. ЎзРВБ Тафтиш комиссияси фаолиятини тугатиш ва "ЎзРВБ" АЖ Тафтиш комиссияси тўғрисида"ги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш.
11. ЎзРВБда 2022 йил учун мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
12. "ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳририни тасдиқлаш.
13. "ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, "ЎзРВБ" АЖ Ижроия органи тўғрисида"ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

Шунингдек, ЎзРВБ акциядорларига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) акциядорларга уларнинг электрон почталари орқали билдиришнома (хат) билан юборилади.

Қўшимча маълумот олиш учун: 55-501-33-02.
Расмий веб-сайт: www.uzrvb.uz
Электрон почта манзили: info@uzrvb.uz

ЎзРВБ Кузатув кенгаши.

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 06.06.2022 йилдаги 4-1103-2201/540-рақамли ажрими билан "Timuchin agro fayz" фермер хўжалиги **(СТИР 300554212)да банкротлик иши қўзғатилиб унга нисбатан кузатув таомили қўлланилган ва қарздорда кузатув таомили бўйича ишларни олиб бориш учун муваққат** (суд) бошқарувчи этиб И.Уракбаев тайинланган.

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг юқоридаги ажримларига асосан суд томонидан "Timuchin agro fayz" фермер хўжалигига нисбатан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш юзасидан белгиланган суд мажлиси 2022 йил 21 июль куни соат 10.00 да Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий суди биноси (Манзил: Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри, Дўстлик-1 МФЙ, Мустақиллик кўчаси)да бўлиб ўтиши белгиланган.

Мазкур қарздорларнинг биринчи кредиторлар йиғилиши 2022 йил 8 июль куни соат 11.00 да Қуйичирчиқ тумани ДСИнинг маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Йиғилишга кредиторлар ва унинг вакилларига шахсни ҳамда қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек, йиғилиш иштирокчиси ваколатларини тасдиқловчи ишончномалар билан келиш сўралади.

Кун тартибида Ўзбекистон Республикаси "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонунни билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига кўриб чиқиш ваколатлари берилган қарорлардан бирини қабул қилиш масаласи киритилган.

Ушбу маълумот эълон қилинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида кредиторлар ўз талабларини қарздорга тақдим этилиши сўралади.

Кузатув жараёнида йиғилган материаллар билан ҳамда кредиторлар рўйхати билан кредиторлар қуйидаги манзилда танишиб чиқишлари мумкин: Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Қуйичирчиқ туман ДСИ.

Мурожаат учун тел.: 91-626-44-66.

"Урганчкормма ш" АЖ

акциядорлари диққатига!

"Урганчкормма ш" АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 30.06.2022 йил соат 15.00 да Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 26-уйда ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича аудитор ташкилотнинг аудит хулосасини кўриб чиқиш.
7. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш ва 2021 йил якуни бўйича йиллик дивидендларни тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
8. Жамият Кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссияси аъзоларига 2021 йил фаолияти учун тўланадиган рағбатлантириш ва ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қоплаш миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2022 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Жамият ижроия органини сайлаш.
13. Жамиятнинг 2022 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
14. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик Умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.
15. "Урганчкормма ш" АЖ айланма маблағларини тўлдириш учун банкдан кредит олиш.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати жорий йилнинг 23 июнь ҳолатига тузилади.

Йиғилишда кўриладиган масалалар бўйича акциядорларга тақдим этиладиган материаллар билан танишиш ёки маълумот олиш учун қуйидаги манзил/электрон почта манзили ёки телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин: Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 26-уй.

E-mail: oao_ukm_uz@mail.ru
Тел.: 0-362-227-44-06, 0-362-227-43-01.

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.

BIZNES DAILY

Биржа

#45(2928) 09.06.2022

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

Акционерное общество «Anor bank»

сообщает о проведении годового общего собрания акционеров банка.

Уважаемые акционеры!

Годовое общее собрание акционеров АО «Anor bank» состоится 30 июня 2022 года очно по адресу: г.Ташкент, ул. Сайрам, 5-й проезд, 4, в здании банка, e-mail: info@anorbank.uz, веб сайт: www.anorbank.uz

Начало регистрации – 10.30.

Начало проведения годового общего собрания акционеров банка – 11.00.

Дата составления реестра акционеров банка, имеющих право участвовать в годовом общем собрании акционеров, – 26 июня 2022 г.

Повестка дня:

1. Об утверждении количественного и персонального состава счетной комиссии.
2. Об утверждении регламента годового общего собрания акционеров АО «Anor bank».
3. О рассмотрении отчёта председателя Наблюдательного совета АО «Anor bank» по итогам 2021 года.
4. О рассмотрении отчёта председателя правления банка по итогам финансово-хозяйственной деятельности АО «Anor bank» за 2021 год.
5. О рассмотрении отчёта ревизора АО «Anor bank» по итогам 2021 года.
6. Об утверждении годового отчета, бухгалтерского баланса и отчета о прибылях и убытках АО «Anor bank» за 2021 год.
7. Об утверждении порядка распределения чистой прибыли АО «Anor bank» по результатам финансово-хозяйственной деятельности за 2021 год.
8. О рассмотрении заключения аудиторской компании ООО «Ernst & Young» о достоверности финансовой отчетности АО «Anor bank» по итогам 2021 года.
9. О проведении аудиторской проверки финансово-хозяйственной деятельности АО «Anor bank» по итогам 2022 года, об определении аудиторской организации и предельного размера оплаты ее услуг.
10. Об одобрении предполагаемых сделок с аффилированными лицами АО «Anor bank», которые могут быть совершены банком в процессе осуществления текущей хозяйственной деятельности на период до следующего годового общего собрания акционеров.
11. Об утверждении организационной структуры АО «Anor bank».
12. Об избрании председателя правления АО «Anor bank».
14. Об избрании членов Наблюдательного совета АО «Anor bank».
15. Об избрании ревизора АО «Anor bank».
16. Об утверждении Положения о вознаграждении АО «Anor bank».

С материалами, подготовленными к годовому общему собранию акционеров АО «Anor bank», можно ознакомиться по адресу: г.Ташкент, ул. Сайрам, 5-й проезд, 4.

Примечание. Представитель акционера на годовом общем собрании акционеров действует на основании доверенности, составленной в письменной форме с указанием сведений о представителе (имя или наименование, место жительства или место нахождения, паспортные данные). Доверенность на голосование от имени физического лица должна быть удостоверена нотариально. Доверенность на голосование от имени юридического лица выдается в порядке, установленном законодательством.

Сообщение о проведении годового общего собрания акционеров

страховой организации совместного предприятия акционерного общества «Asko-Vostok»

Уважаемые акционеры!

Настоящим СО СП АО «Asko-Vostok» сообщает о том, что 6 июня 2022 года Наблюдательным советом общества принято решение о созыве годового общего собрания акционеров по итогам деятельности общества в 2021 году, которое состоится **30 июня 2022 года**.

Место проведения собрания: г.Ташкент, Яккасарайский район, ул. Муканна, тупик 1, д. 2, в административном здании СО СП АО «Asko-Vostok».

Начало регистрации акционеров – в 14:00.

Начало годового общего собрания акционеров общества – в 15:00.

Дата составления реестра акционеров общества для проведения годового общего собрания акционеров – **26 июня 2022 года**.

Повестка дня:

1. Утверждение регламента годового общего собрания акционеров;
2. Утверждение количественного и персонального состава счетной комиссии и срока их полномочий.
3. Утверждение годового отчета общества за 2021 год.
4. Распределение чистой прибыли общества за 2021 год.
5. Утверждение устава общества в новой редакции.
6. Утверждение внутренних корпоративных документов общества.
7. Утверждение организационной структуры общества.
8. Об одобрении сделок с аффилированными лицами общества, связанных с текущей хозяйственной деятельностью общества.
9. Избрание членов Наблюдательного совета общества.
10. О продлении полномочий генерального директора общества.

Акционеры могут ознакомиться с материалами, подлежащими рассмотрению на годовом общем собрании акционеров:

– по вышеуказанному адресу здания;

– с 10:00 до 15:00 в рабочие дни со дня публикации уведомления до даты проведения общего собрания акционеров.

Адрес электронной почты общества для обращения акционеров: info@avic.uz, info@askovostok.uz.

При регистрации для участия в собрании акционер должен иметь при себе паспорт или иной документ, его заменяющий (в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан), а представитель акционера, кроме того, должен представить надлежаще оформленную доверенность.

Наблюдательный совет.

“S.Q.Islombekov nomidagi “O’zkimyofarm” АЖ

акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабарнома

Ҳурматли акциядорлар!

“S.Q.Islombekov nomidagi “O’zkimyofarm” акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2022 йил 6 июндаги қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 29 июнь куни, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Йиғилиш соат 16.00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 15.00 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 15.50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2022 йил 23 июнь ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: uzhimpharm@yandex.ru.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича мустақил аудиторлик ташкилотининг хулосаларини тасдиқлаш.
6. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. Жамият томонидан 2021 йилда олинган зарарни тақсимлаш.
8. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган битимларини кўриб чиқиш ва олдиндан маъқуллаш.
9. Жамиятнинг устави ҳамда ички низомларига ўзгартириш киритиб, янги таҳрирда тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
11. Жамият бош директорини тайинлаш.
12. Жамиятнинг тафтишчисини сайлаш.
13. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан “O’zkimyofarm” АЖда ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10.00 дан 17.00 гача танишишлари мумкин.

Телефон: 71-256-60-59.

Кузатув кенгаши.

Частный акционерный коммерческий банк «Ориент Финанс»

приглашает вас принять участие в конкурсе «Приобретение продления лицензии антивирусной защиты «Kaspersky Total Security for Business. 5000+ Node 1 year Renewal License» в разрезе всех филиалов общим количеством 950 Node и 150 лицензий «Kaspersky Embedded Systems Security» для установки на банкоматы».

Коммерческие предложения принимаются до 15 июня 2022 года.

Предложения по конкурсу принимаются по адресу: Республика Узбекистан, город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Осиё, 5, или на адрес электронной почты: j.muratov@ofb.uz

Информацию о конкурсе можно получить по номеру 71-205-55-55 (внут: 5202).

“Asko-Vostok” aksiyadorlik jamiyati qo‘shma korxona sug‘urta tashkiloti

акциядорлари диққатига!

Ҳурматли акциядорлар!

“Asko-Vostok” aksiyadorlik jamiyati qo‘shma korxona sug‘urta tashkiloti Кузатув кенгашининг 2022 йил 7 майдаги қарорига асосан жамият устав фондининг миқдорини кўпайтириш мақсадида номинал қиймати 100 сўм бўлган 150 000 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларнинг чиқарилуви Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 6 июнда Р0947-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан жамият акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан жамиятнинг оддий акциялари эгаларига қўшимча чиқарилган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Жамият акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2022 йил 7 май ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Қўшимча чиқарилган акциялар 100 сўмдан жойлаштирилади.

Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларга ушбу чиқарилишдаги акциялар 100 сўмдан жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган жойи), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга шахслар томонидан акциялар сотиб олинаётганда тўловлар қонунчиликда белгиланган тартибда хорижий валютада амалга оширилиши мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддатида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар жисмоний шахслар томонидан нақд пул ва нақдсиз (пластик карталар), юридик шахслар томонидан пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Акциялар учун миллий валютадаги пул маблағлари Эмитентнинг 2020 8000 9001 9227 2001 ҳисоб рақамига қабул қилинади. Банк номи – “Ориент финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки қошидаги амалиёт бошқармаси (“Ориент финанс” ХАТБ), Банк коди – 01071, Банк СТИРи – 207086151, Банк манзили – 100052, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 5-уй.

Акциялар учун АҚШ долларидаги пул маблағлари Эмитентнинг 2020 8840 9001 9227 2004 ҳисоб рақамига, Евродаги пул маблағлари Эмитентнинг 2020 8978 4001 9227 2004 ҳисоб рақамига қабул қилинади. Банк номи – “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки “Дархон” филиали (“Трастбанк” ХАБ “Дархон” филиали), Банк коди – 00954, SWIFT коди - TRSAUZ22, Банк СТИРи – 201055090, Банк манзили – 100011, Ўзбекистон Республикаси Тошкент ш. Навоий кўчаси, 7-уй.

“Asko-Vostok” AJ QK ST акциядорлари имтиёзли олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

A / 201 864 303 = B;

150 000 000 * B = C;

Бунда:

201 864 303 – Жамият устав капиталидаги оддий акциялар сони;

150 000 000 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони;

A – акциядорнинг Жамият устав капиталидаги оддий акциялари сони;

B – Жамият устав капиталидаги жами оддий акцияларга мутаносиб равишда оддий акциялар сони;

C – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан имтиёзли сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар сони.

Қолдиқ хосил бўлган холларда, қолдиқ сон 5 (беш) га тенг ва ундан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар, қўшимча маълумотлар олиш учун жамиятнинг Юридик департаментига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 71-205-08-08.

Косон туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 28 апрель кунидаги ҳал қилув қарорларига биноан Муборак туманидаги қуйида кўрсатилган корхоналар, фермер хўжаликлари ва жамиятлар банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Ў.Шарапов тайинланган (90-876-84-77).

“Asilbek Ashrapovich omad” ФХ (СТИР 304248122), “Sevinch Farxodovna” ФХ (СТИР 301803565), “Qarliq merosi” ФХ (СТИР 303481864), “Навруз” ФХ (СТИР 203053014), “Шерзодбек Тўлқинбек” ФХ (СТИР 302183658), “Xisor” ФХ (СТИР 200698352), “Mirzoxid Xasanov” ФХ (СТИР 303546931), “Ro’zboy-Xusan” ФХ (СТИР 203725695), “Davr-Qorako’l-chorvasi” ФХ (СТИР 305382732), “Amirov Eldor” ФХ (СТИР 302231770), “Baxronov Diyor chorvasi” ФХ (СТИР 304626854), “Said Amirxon chorvasi” ФХ (СТИР 303035547), “Orzuqulov Bobur” ФХ (СТИР 303564736), “Mubina Nigora Nizom” ФХ (СТИР 303376297), “Saydullo Alisher” ФХ (СТИР 303266505), “Asl nur don” ФХ (СТИР 304466398), “Global story servis” МЧЖ (СТИР 306391199), “Muborak bozor city” МЧЖ (СТИР 306137092), “Saidbek Ruslanovich” ФХ (СТИР 303534836), “Anvar Turdiqulov” ФХ (СТИР 303516841) “Muminov Nurillo” ФХ (СТИР 303693118), “Xumoyun Bahor” ХК (СТИР 306547754), “Abrorbek Afruzbek Namozov” МЧЖ (СТИР 307500052), “Usta Matti bobo” ФХ (СТИР 204772757), “Temir-Malik-oltin baliqcha” МЧЖ (СТИР 306314506) .

Ушбу корхоналар, фермер хўжаликлари ва жамиятларларга нисбатан дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоби бўлган юридик ва жисмоний шахслар барча талаблар билан эълон чиққан кундан бошлаб, 1 ой муддат ичида Муборак тумани ДСИга мурожаат қилишлари мумкин. Фермер хўжаликлари ва жамиятларларга тегишли бўлган муҳр ва тамғалари бекор ҳисобланади.

Вниманию акционеров

АО «Узметкомбинат»!

АО «Узметкомбинат», расположенное по адресу: Ташкентская область, г. Бекабад, ул. Сирдарё, 1, сообщает о проведении годового общего собрания акционеров, которое состоится 30 июня 2022 года в 11:00 по адресу: г. Бекабад, Дворец культуры металлургов (улица Истикбол, 1).

Дата формирования реестра акционеров:

– для информирования акционеров – 7 июня 2022 года;

– для участия акционеров – 24 июня 2022 года.

Повестка дня:

1. Рассмотрение отчета исполнительного органа АО «Узметкомбинат» по итогам 2021 года:

– утверждение отчета о выполнении бизнес-плана;

– заслушивание отчета исполнительного органа об исполнении критериев оценки эффективности деятельности по итогам 2021 года;

– утверждение годового отчета по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2021 год.

2. Рассмотрение отчета Наблюдательного совета АО «Узметкомбинат» по итогам деятельности за 2021 год.
3. Заслушивание заключения ревизионной комиссии по итогам финансово-хозяйственной деятельности АО «Узметкомбинат» за 2021 год.
4. Упразднение деятельности ревизионной комиссии АО «Узметкомбинат».
5. Рассмотрение вопроса выплаты дивидендов по привилегированным акциям АО «Узметкомбинат» за 2021 год.
6. Рассмотрение результатов оценки системы корпоративного управления по итогам 2021 года, проведенной независимой аудиторской организацией «FTF-LEA-AUDIT».
7. Утверждение состава Наблюдательного совета АО «Узметкомбинат».
8. Установление перечня сделок, связанных с текущей хозяйственной деятельностью АО «Узметкомбинат».
9. Утверждение положения «О Наблюдательном совете АО «Узметкомбинат»» в новой редакции.
10. Утверждение положения «О правлении АО «Узметкомбинат»» в новой редакции.
11. Утверждение положения «О вознаграждении членам правления АО «Узметкомбинат»» в новой редакции.
12. Утверждение организационной структуры АО «Узметкомбинат».
13. Определение нового количества объявленных акций АО «Узметкомбинат».
14. Утверждение устава АО «Узметкомбинат» в новой редакции.

Регистрация акционеров и их представителей проходит 30 июня 2022 года с 9:30 до 10:30. Акционеры обязаны при себе иметь документ, удостоверяющий личность, а представитель акционера – доверенность, оформленную в соответствии с законодательством[1].

С информацией (материалами) о проведении годового общего собрания акционеров можно ознакомиться в Управлении корпоративных отношений АО «Узметкомбинат», расположенном по адресу Ташкентская область, г. Бекабад, ул. Сирдарё, 1.

Для дополнительной информации:

Корпоративный веб-сайт: www.uzbeksteel.uz

Телефон: 70-214-13-86 (вн: 10-46, 13-22).

Адрес электронной почты: y.usmanova@uzbeksteel.uz

[1] Представитель акционера на общем собрании акционеров действует на основании доверенности, составленной в письменной форме. Доверенность на голосование должна содержать сведения о представляемом и представителе (имя или наименование, место жительства или место нахождения, паспортные данные или данные идентификационной ID-карты). Доверенность на голосование от имени физического лица должна быть удостоверена нотариально. Доверенность на голосование от имени юридического лица выдается за подписью его руководителя и заверяется печатью этого юридического лица (при наличии печати). В случае если акция общества находится в общей долевой собственности нескольких лиц, то правомочия по голосованию на общем собрании акционеров осуществляются по их усмотрению одним из участников общей долевой собственности либо их общим представителем. Полномочия каждого из указанных лиц должны быть надлежащим образом оформлены – **статья 67 №ЗРУ-370 от 6 мая 2014 года.**

ЧЭИИ “Bektemir-spirt eksperimental zavodi” АЖ

акциядорлари диққатига!

ЧЭИИ “Bektemir-spirt eksperimental zavodi” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил 6 июндаги қарорига асосан акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши 2022 йил 30 июнь куни соат 16.00 да ўтказилиши ҳақида маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилда амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.
3. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, йиллик бизнес-режасининг бажарилиши бўйича ҳисоботи ҳамда жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.
4. Жамият халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган 2021 йил учун молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2021 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижаларини кўриб чиқиш.
5. Жамиятда 2021 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
6. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини уч йил муддатга сайлаш.
8. Жамият устави янги таҳрирда тасдиқлаш.
9. Жамият “Акциядорларининг Умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ҳамда “Бошқарув тўғрисида”ги низомларига ўзгартиришларни киритиш.
10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.
11. Жамият акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий ворислари ёхуд меросхўрлари томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларини жамият ихтиёрида қолдириш.

Жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х.Байқаро кўчаси, 91-уй.

Электрон почта манзили: bekspirt@mail.ru

Умумий йиғилиш ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий шоҳкўчаси, 9-уй.

Акциядорларни рўйхатга олиш сана, вақти ва жойи: 30.06.2022 й., 15.00 дан 16.00 гача, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий шоҳкўчаси, 9-уй.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш тартиби:

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг Умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядор шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, вакил эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончномани тақдим этиш лозим.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш “жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз” принципи бўйича, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича эса кумулятив овоз бериш принципи бўйича амалга оширилади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

